



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

9 ЖИЛД, 12 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 9, НОМЕР 12

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 9, ISSUE 12



ТОШКЕНТ-2024

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№12 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2024-12>

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Fayziev Shoxrud Farmonovich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

**Boboyev Halimboy Boboyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Sattorov Abdug'affor**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Artur Gambaryan**  
yuridik fanlar doktori, professor (Armaniston)  
**Yosuke Shamoto**  
yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННИЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

**Malikova Gulchexra**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Xusanov Ozod Tillabayevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Selimanova Svetlana Mixaylovna**  
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

**Xvan Leonid Borisovich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)  
**Peshkova Xristina Vyacheslavovna**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)  
**Sung Un Lee**  
yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

**Oqyulov Omonboy**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ruziyev Rustam Jabborovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Borotov Mirodiljon Xomudjonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Toshev Boboqul Norqobilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Shomuxamedova Zamira Shoislamovna**  
yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)  
**Ahmad Issa Altweissi**  
yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

**Esanova Zamira Normurodovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Jason A.**  
Kanton Federal sud markazi (AQSH)

12.00.05 - МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

**Usmanova Muborak Akmalxanovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Gasanov Mixail Yuriyevich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)  
**Sattorova Gulnoza Djurakulovna**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Murodova Gulnora**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)  
**Denisov Gleb**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

**Fayziyev Shuxrat Xasanovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Usmonov Muhammadi Bahridinovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Xolmuminov Juma**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Jo'rayev Yuldash Achilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Skripnikov Nikolay Kuzmich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Po'latov Baxtiyor Xalilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Salomov Baxrom Salomovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Salayev Nodirbek Saparbayevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Osmonaliev Qayrat**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Aleksey Kibalnik**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Kudryavtsev Vladislav Leonidovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Sergey Shoshin**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)  
**James B.**  
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

**Rustambayev Mirzayusup Hakimovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Zufarov Rustam Axmedovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Kabulov Rustam**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Rajabova Mavjuda Abdullayevna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Taxirov Farhod**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ismailov Isomiddin**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li**  
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)  
**Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)  
**Djansarayeva Rima Ernatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)  
**Yelena Antonyan Aleksandrovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Matthew Light**  
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)


**Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Pulatov Yuriy Safiyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**To'laganova Gulchehra Zaxitovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Mirzov Davron Miragzamovich**  
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)  
**Rijakov Aleksandr Petrovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

**Stoyko Nikolay Genadyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Iskandarov Zayniddin**  
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)  
**Sergey Pen**  
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)  
**Aleksey Purs**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)  
**Jurgen Maurer**  
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)  
**Kevin Curtin**  
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

**Ismoilov Bahodir Islamovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Yuldasheva Govverjan**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Alexander Trunk**  
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)


<b>1. Xidoyatov Parvizbek Istamovich</b> EKSPERIMENTAL TARTIBGA SOLISHNING HUQUQIY TABIATI VA O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI.....	5
<b>2. Ubaydullayev Abror Qutpilla o'g'li</b> XIX-XX ASRLARDA ISLOM HUQUQIDA MOLIYA INSTITUTINING RIVOJLANISHIGA TA'SIR KO'RSATGAN SIYOSIY-HUQUQIY JARAYONLAR.....	12
<b>3. Хамдамова Фируза Уразалиевна</b> ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ПОЛИТИКИ И ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ НАЦИОНАЛЬНОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН В УСЛОВИЯХ РАЗВИТИЯ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ.....	23
<b>4. Шорахимов Хусан Муроджон ўғли</b> ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ НАЗОРАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	32
<b>5. Abdullayev Jamshid Djamilovich</b> TIBBIY XIZMAT KO'RSATISH BO'YICHA AYRIM SHARTNOMAVIY MUNOSABATLARNI FUQAROLIK HUQUQIY TARTIBGA SOLISHNI TAKOMILLASHTIRISH.....	41
<b>6. Воснев Жамшид Мустафоевич</b> ИНСОННИНГ БИОМЕХАНИК ЎЗГАРИШИДА ШАФФОФЛИК ВА ЖАВОБГАРЛИКНИ ОШИРИШ УЧУН РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ.....	49
<b>7. Ашурова Нилуфар Ўктамовна</b> ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ ҲИМОЯСИ: ЖИНОЯТЛАР ТУРЛАРИ ВА УЛАРГА НИСБАТАН ЖАВОБГАРЛИК.....	63
<b>8. Давлетмуратов Султанмурат Рустемович</b> АЙРИМ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗИШ УЧУН ЖИНОЙИ ЖАВОБГАРЛИК: ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ.....	75
<b>9. Хайдаров Шухратжон Джумаевич</b> ХАВФ ОСТИДА ҚОЛДИРИШ ЖИНОЯТИНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ЎХШАШ ЖИНОЯТЛАРДАН ФАРҚЛАШ МАСАЛАЛАРИ.....	82
<b>10. Иброхимов Бахтиёр Тойиржонович</b> ПРОКУРОРНИНГ ЖИНОЯТ ИШИ КЎЗГАТИШ БОСҚИЧИДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	90
<b>11. Ширинкулов Бахтиёр Ифтихор ўғли</b> ҚУРИЛИШДА МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗИШ: СУБЪЕКТ ВА ЖАБРАНУВЧИ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	99
<b>12. Xaydarov Mirsaid Mirjabborovich</b> KUCHLI TA'SIR QILUVCHI YOKI ZAHARLI MODDALARNI QONUNGA XILOF RAVISHDA MUOMALAGA KIRITISHGA QARSHI KURASHISHNING AYRIM JHATLARI.....	107



**Ширинкулов Бахтиёр Ифтихор ўғли,**  
 Жиззах шаҳар ИИБ бошлиғи ўринбосари- Тергов бўлими бошлиғи,  
 Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил изланувчиси  
 E-mail: baxtiyor4238@icloud.com

**ҚУРИЛИШДА МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗИШ: СУБЪЕКТ ВА ЖАБРЛАНУВЧИ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**For citation:** Shirinkulov Bakhtiyor Iftikhor ugli. VIOLATION OF LABOR PROTECTION RULES IN CONSTRUCTION: CHARACTERISTICS OF THE SUBJECT AND THE VICTIM. Journal of Law Research. 2024, 9 vol., issue 12, pp. 99-106

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.14259941>

**АННОТАЦИЯ**

Мазкур мақолада қурилиш ишларини олиб боришда меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслик ортидан келиб чиқадиган жиноий жавобгарликнинг криминалистик жиҳатлари таҳлил қилинган. Хавфсизлик қоидаларига бефарқлик қилувчи шахслар жиноий субъекти сифатида кўриб чиқилиб, уларнинг ижтимоий-демографик, жисмоний, психологик ва касбий хусусиятлари ўрганилган. Шунингдек, қурилиш жараёнида жабрланувчи шахснинг криминалистик аҳамияти, унинг жиноят билан боғлиқ алоқаси ва жароҳатланишига олиб келувчи омиллар ёритилган. Суд-тергов амалиётининг ўзига хос хусусиятлари, жиноий жавобгарликни белгилашда асосий омилларнинг аҳамияти, хавфсизлик талабларининг бузилиши натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар очиб берилган. Мақолада жиноят ҳуқуқига оид назарий ва амалий жиҳатлар муҳокама қилиниб, ушбу соҳани такомиллаштиришга қаратилган таклифлар билдирилган.

**Калит сўзлар:** жабрланувчи соғлиғи, қурилиш ишлари, хавфсизлик қоидалари, жамоавий ҳимоя воситалари, шахсий ҳимоя воситалари, технологик операциялар, жиноий жавобгарлик, меҳнат муҳофазаси, қурилиш механизмлари, жабрланувчи шахс, криминалистик таҳлил

**Ширинкулов Бахтиёр Ифтихор углы,**  
 Заместитель начальника Джизакского городского УВД – начальник  
 Следственного отдела, Самостоятельный соискатель Правоохранительной Академии  
 E-mail: baxtiyor4238@icloud.com

**НАРУШЕНИЕ ПРАВИЛ ОХРАНЫ ТРУДА В СТРОИТЕЛЬСТВЕ:  
 ХАРАКТЕРИСТИКИ СУБЪЕКТА И ПОТЕРПЕВШЕГО**

**АННОТАЦИЯ**

В данной статье анализируются криминалистические аспекты уголовной ответственности за нарушение правил охраны труда и безопасности в строительстве. Рассмотрены лица, пренебрегающие правилами безопасности, как преступные субъекты, исследованы их

социально-демографические, физические, психологические и профессиональные характеристики. Также освещена криминалистическая значимость личности потерпевшего, его связь с преступлением и факторы, приводящие к травмированию. Выявлены особенности судебно-следственной практики, значение основных факторов при установлении уголовной ответственности, а также правовые последствия нарушений требований безопасности. В статье обсуждаются теоретические и практические аспекты уголовного права, а также предложены меры по совершенствованию данной сферы.

**Ключевые слова:** здоровье потерпевшего, строительные работы, правила безопасности, коллективные средства защиты, индивидуальные средства защиты, технологические операции, уголовная ответственность, охрана труда, строительные механизмы, личность потерпевшего, криминалистический анализ.

**Shirinkulov Bakhtiyor Iftikhor ugli,**

Deputy Head of Jizzakh City Department of Internal Affairs – Head of the Investigation Department, Independent Researcher at Law Enforcement Academy

E-mail: baxtiyor4238@icloud.com

## VIOLATION OF LABOR PROTECTION RULES IN CONSTRUCTION: CHARACTERISTICS OF THE SUBJECT AND THE VICTIM

### ANNOTATION

This article analyzes the forensic aspects of criminal liability for violations of labor protection and safety regulations in construction. Individuals who neglect safety rules are considered as criminal subjects, and their socio-demographic, physical, psychological, and professional characteristics are examined. Additionally, the forensic significance of the victim's personality, their relationship with the crime, and factors leading to their injury are highlighted. The unique features of judicial and investigative practice, the importance of key factors in determining criminal liability, and the legal consequences of safety violations are presented. The article discusses theoretical and practical aspects of criminal law and offers suggestions for improving this field.

**Keywords:** victim's health, construction work, safety rules, collective protective equipment, personal protective equipment, technological operations, criminal liability, labor protection, construction mechanisms, victim's personality, forensic analysis.

Қурилиш соҳаси ҳар қандай мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрин тутди. Бугунги кунда ривожланаётган қурилиш ишлари, замонавий иншоотлар қурилиши аҳоли ҳаёти ва иш фаолиятида катта аҳамият касб этмоқда. Бироқ, қурилиш ишларини олиб бориш жараёнида меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш ҳар доим ҳам амалга оширилмайди. Бу эса ўз навбатида ишчилар ва бошқа шахслар ҳаётига хавф туғдириши мумкин. Меҳнат муҳофазасига оид қонунлар ва қоидаларни бузиш оқибатида турли тоифадаги шахслар жабрланувчига айланади. Жабрланувчиларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш ва уларнинг саломатлигига зиён етказилишини олдини олиш масалалари кун тартибидаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Қурилиш ишларида хавфсизлик қоидаларининг бузилиши жиноятга айланиши мумкин бўлган ҳолатларда, бу жиноятнинг субъекти ва жабрланувчи шахсининг ҳуқуқий мақоми алоҳида ўрганилиши лозим. Жиноят содир этган шахсининг мақоми ва унинг ҳуқуқий масъулияти аниқлаш, шунингдек, жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бу соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришни талаб этади. Мақолада айнан қурилиш ишларини амалга оширишда меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик қоидаларини бузган ҳолларда жиноят субъектлари ва жабрланувчиларнинг ҳуқуқий мақоми, уларнинг ўзаро муносабати ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисидаги масалалар кенг таҳлил қилинади.

Жиноят ҳуқуқига оид адабиётларда жиноят содир этишда айбдор шахслар, яъни жиноят субъекти ўзи хос ижтимоий-демографик, жисмоний- биологик, функционал-динамик, психологик, ижтимоий хусусиятлар мажмуига эга эканлиги кўрсатиб ўтилган. Жиноят субъектига оид хусусиятларнинг тўлиқлиги ва аниқлиги терговчилар учун жиноятни очиш, уни квалификация қилиш, жиноят содир этиш сабабларини аниқлаш самарадорлигига жиддий таъсир қилувчи омил ҳисобланади.[1]

Ушбу жиноят субъектларнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар, ушбу қилмишга алоқадор шахслар доираси, жиноятнинг мотиви ва мақсади, уни тайёрлаш усуллари, содир этиш ва яшириш тўғрисидаги тергов версияларини илгари суришда ва тергов ҳаракатларининг энг мақбул тактикасини танлашда улардан фойдаланиш имкониятидан иборат.

Адабиётларда қурилиш ишлари пайтида хавфсизлик қоидаларини бузиш жинояти субъекти сифатида қуйидаги фикрлар илгари сурилганлигини кўриш мумкин:

субъект ушбу қилмишларда айбдор бўлган ҳар қандай шахслардир; [2]

субъект қурилиш ишлари давомида тегишли хавфсизлик қоидаларини бузган қурилиш ташкилотининг ҳар қандай ходимларидир; [3]

субъект қурилиш ишларини олиб бориш билан шуғулланадиган қурилиш ташкилотининг ҳар қандай ходимларидир; [4]

субъект ушбу қурилиш майдончасида меҳнат шартномаси бўйича ишлайдиган ҳар қандай шахслардир; [15]

субъект расмий равишда қурилиш ишларини таъминлаш ва хавфсиз ўтказиш вазифалари юклатилган мансабдор шахслар, шунингдек қурилиш ишларини бевосита бажарадиган қурилиш ташкилотларининг оддий ходимларидир; [6]

субъект иш хавфсизлиги учун масъул бўлган ва белгиланган ваколатларга эга бўлмаган мансабдор шахслар, шунингдек ушбу жараённинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, махсус хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя қилишга мажбур бўлган оддий ходимлардир; [7]

субъект қурилиш ишларини олиб боришда хавфсизлик қоидаларига риоя қилишга мажбур бўлган ҳар қандай шахслар (ташкилот мансабдор шахслари, қурилиш ишларини олиб боровчи бошқа барча ходимлар; бошқа шахслар (сайёҳлар, амалиётчилар ва бошқалар) ушбу турдаги ишларни бажаришда тегишли хавфсизлик қоидалари билан таниш бўлганлар)дир; [8]

субъект 16 ёшга тўлган шахслар, шу жумладан вазифалари қурилиш ишлари пайтида хавфсизлик қоидаларига риоя қилишни ўз ичига олган мансабдор шахслардир; [9]

субъект қурилиш ташкилотлари ходимлари, шунингдек қурилиш ишлари ҳудудида бўлиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахслар (сайёҳлар, стажёрлар, ишбилармон саёҳатчилар ва бошқалар)дир. [10]

Фикримизча, қурилиш ишларини олиб боришда хавфсизлик қоидаларини бузиш жиноятларининг субъектларини аниқлаш учун ШНҚ 1.03.02-04\* “Худудларни ривожлантириш ва қурилишини режалаштириш бўйича шаҳарсозлик ҳужжатларини таркиби, ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома”, ШНҚ 3.01.02-23 “Қурилишда хавфсизлик техникаси” шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, “Қурилиш соҳаси малакали мутахассисларини тайёрлаш марказларига фуқароларни қабул қилиш ва ўқитиш тартиби тўғрисида”ги низом, “Узоқ масофада жойлашган ва муҳим аҳамиятга эга бўлган объектларда қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишнинг вахта усули тўғрисида”ги низом, “Объектларда давлат қурилиш назоратини амалга ошириш бўйича маъмурий регламент”, “Йўл қурилиши материаллари ишлаб чиқаришда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари”, “Фойдаланилмаётган асосий воситаларни, қурилиши тугалланмаган объектларни консервация қилиш тартиби тўғрисида”ги низом, “Йиғма темирбетон ва бетон конструкциялар ва буюмлар ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари”, “Турар жой ва жамоат биноларидан фойдаланишда, шунингдек уларни жорий ва мукамал таъмирлашда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари”, “Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисида”ги намунавий низом, “Баландликда ишлаганда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари”, Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, фитосанитария

талаблари, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари, экологик нормалар ва қоидалар, ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларини тайёрлаш, ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва ҳисобга олиш қоидалари каби ҳужжатлар билан танишиб чиқиш талаб этилади.

Қурилиш ишларини олиб боришда хавфсизлик қоидаларини жиной равишда бузиш жинойати субъектларини қурилиш ишларини олиб боришга қандай алоқаси борлигига қараб уч гуруҳга бўлиш мумкин:

биринчи гуруҳ, қурилиш ишларини ташкил этиш ва хавфсиз ўтказилишини, ишчи ходимлар томонидан хавфсизлик қоидаларига риоя этилишини таъминлайдиган, назорат қиладиган мансабдор шахслар, шу жумладан, ушбу ишларни тайёрлаш, бажариш, яқунлашда ўзлари иштирок этадиган (ташкилот раҳбари, унинг ўринбосарлари, таркибий бўлинмалар раҳбарлари, муҳандислар, техник хавфсизлик хизмати ходимлари, механиклар ва энергетиклар, участка бошлиқлари, бригадирлар ва бошқалар);

иккинчи гуруҳ, қурилиш ишларининг айрим турларини бевосита бажарадиган, машиналар, механизмлар ва усқуналарда ишлайдиган ходимлар ва ишчилар;

учинчи гуруҳ, қурилиш ишларининг аниқ турларини бевосита бажармайдиган шахслар бўлиб, уларнинг доимий ёки вақтинча ишлаши ушбу қурилиш жараёни билан боғлиқ ва улар қурилиш учун тайёрланган ҳудудда, иш жараёни ҳудудида, хизмат ишлари бўйича қурилиш ишларини яқунлаш ҳудудида бўладилар (бухгалтерлар, иқтисодчилар, моддий-техник таъминот мутахассислари, кўриқлаш хизмати ходимлари ва бошқалар). Ушбу шахсларга қурилиш ишларида хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш билан боғлиқ умумий қоидалар қўлланилади.

Қурилиш ишларида жабрланувчи шахсининг хусусиятларини ва унинг хавфсизлик қоидаларини бузишдаги ролини ўрганиш зарурати кўплаб криминалист олимлар томонидан тан олинган. Аксарият муаллифлар жабрланувчининг демографик маълумотлари (жинси, ёши, маълумоти, оилавий ва ижтимоий ҳолати ва бошқалар), жисмоний ва психологик шахсий хусусиятлар ва турмуш тарзи каби шахсий хусусиятларининг муҳим криминалистик аҳамиятини таъкидлайдилар. Шу билан бирга, жабрланувчи шахсиятининг криминалистик жиҳати унинг жинойат содир этилишидан олдин, жинойат содир этилган пайтда ва ундан кейин, бошқалар билан, шу жумладан жинойатчи билан муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларида, можаро ва дўстона муносабатларнинг мавжудлигида, унга етказилган зарарнинг табиатида ўзини намоён қилиши мумкин.

Қурилиш ишларида жабрланувчи шахсининг хусусиятларини ва унинг қурилиш ишларида хавфсизлик қоидаларини бузишдаги ролини ўрганиш зарурати кўплаб криминалист олимлар томонидан тан олинган. Аксарият муаллифлар жабрланувчининг демографик маълумотлари (жинси, ёши, маълумоти, оилавий ва ижтимоий ҳолати ва бошқалар), жисмоний ва психологик шахсий хусусиятлар ва турмуш тарзи каби шахсий хусусиятларининг муҳим криминалистик аҳамиятини таъкидлайдилар. Шу билан бирга, жабрланувчи шахсиятининг криминалистик жиҳати унинг жинойат содир этилишидан олдин, жинойат содир этилган пайтда ва ундан кейин, бошқалар билан, шу жумладан жинойатчи билан муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларида, можаро ва дўстона муносабатларнинг мавжудлигида, унга етказилган зарарнинг табиатида ўзини намоён қилиши мумкин.

Суд-тергов амалиётининг таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу жинойат қурбонларининг аксарияти у ёки бу даражада, ўзларининг хатти-ҳаракатлари билан қурилиш пайтида хавфсизлик қоидалари бузилиши натижасида жарбланадилар. Қуйида суд амалиётидан бунга мисол келтирамиз.

“Судланувчи У.М. “Navoiy maxsus burg‘ulash” хусусий корхонасида иш юритувчи вазифасида ишлаб келиб, корхонаси раҳбари Ш.П.нинг 15.12.2022 йил кунги 16-К-сонли “хизмат сафарига юбориш ҳақида”ги буйруғига асосан 16.12.2022 йилдан 21.12.2022 йилга қадар мазкур корхонанинг 11 нафар инженер техник ва ишчи ходимлари “Farg‘ona yasin qurilish mollari” МЧЖнинг “Қурувчи-IV” тоғ конига портлатиш ишларини бажариш учун сафарбар қилинган ва ушбу портлатиш ишларига раҳбар этиб тайинлангани ҳолда, У.М.

бошчилигида 2022 йил 19 декабрь куни Хужжат имзоланган: Х.О.Р., 24.03.2023 1-1506-2301/58 2 23.940 кг. “Игданит” номли портлатувчи моддани, 130.8 кг. Нобелит Z216, 76,2 кг. RIOXIT 50/600, 43,5 кг. RIOXIT 36/500, 2 дона ЭД-8ж, 12 дона RIONEL DDX-25/500 6м ва 2200 метр узунликдаги ДШЭ-12-2200, 1.2 кг. Нобелит Z216, 2 дона ЭДЗН-2, 2 дона ЭД-8ж номли портлашни қўзғатувчи воситаларни Ўзбекистон тумани, Шўрсув МФЙда жойлашган “Қурувчи-IV” тоғ қонига олиб келиб, портловчи моддалар ва портлатишни қўзғатувчи моддаларни мазкур қудуқларга портлатиш мақсадида жойлаштириб чиққан ва шу куни соат 15:00 ларда қудуқларга жойланган портлатувчи моддаларни ўқлаш ва монтаж қилиш ишлари якунланганидан сўнг, портлатиш ишлари раҳбари У.М. портлаш лойиҳаси ва портлаш паспортида “ўқлаш, монтаж қилиш, портлатиш ишларини бажарувчи” этиб Б.С. тайинланган ва одамлар учун хавfli ҳудуд 450 метр этиб белгиланган бўлса-да, “Ер юзасида портлашларни бехатар ўтказиш бўйича намунавий йўриқнома” қоидаларининг 27-бандида “портлаш ишлари муҳандис техник ходим раҳбарлигида тегишли фармойиш ва йўлланмалар асосида амалга оширилиши ҳамда иш хавфсизлиги қоидалари ва йўриқномалари талабларига жавоб берадиган жойларда ўтказилиши керак”, 28-бандида “оммавий портлаш ишлари раҳбарининг асосий вазифалари: хавfli зона чегараларини белгилаш, қўриқлаш постларини қўйиш, амалдаги қонун ҳужжатларида, норматив ҳуқуқий ҳужжатларда ва техник ҳужжатларда назарда тутилган хавфсизлик техникаси қоидаларини бажаришдан иборат”, 44-бандида “қудуқларга портловчи моддани ўқлаш даврида тақиқланган зона ўрнатилади, унинг ичида ўқлаш билан боғлиқ бўлмаган одамлар бўлиши тақиқланади, тақиқланган зона тоғ-кон техник шартларига ва ишларни ташкил этишга қараб, лойиҳага мувофиқ, лекин энг яқин заряддан камида 20 метр масофада ўрнатилиши керак”, 46-бандида “хавfli зонанинг чегараларида уни ҳимоя қилишни таъминлайдиган махсус кўрсатма берилган ишчиларнинг пости ўрнатилиши керак ва ўқлаш билан банд бўлмаган ишчилар портлатиш ишлари раҳбари ёки бригадир томонидан хавфсиз жойга олиб борилади”, 49-бандида “хавfli зонага фақатгина портлаш ишлари раҳбари ва ижрочиси, корхонанинг техник назорати ходимлари ҳамда назорат органлари ходимларига киришга рухсат этилади” деб кўрсатилган талабларини ҳамда “Navoiy maxsus burg‘ulash” ХК Бош директори Ш.П. томонидан 2021 йил 25 май куни тасдиқланган иш юритувчиси (прораб) лавозимий йўриқномасининг 2.3-бандида “Ишларни бажаришда хавфсиз иш шароитлари яратади. Ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомини талаб даражасида ушлайди”, 3.7-бандида “Ишларни хавфсиз бажарилишини таъминлайди” деган кўрсатилган талабларини, шунингдек, “Navoiy maxsus burg‘ulash” хусусий корхонаси бош муҳандиси Р.М. томонидан 15.12.2022 йилда имзоланган “Қурувчи-IV” тоғ қонида оммавий портлатиш ишларини амалга ошириш ҳақидаги фармойишнинг 2-бандида “портлатиш ишлари раҳбари этиб У.А.М. тайинлансин”, 3-бандида “блокни тайёрлаш учун жавобгар этиб Б.С. тайинлансин”, 4-бандида “хавfli зона ҳудудидан одамларни олиб чиқиш учун жавобгар этиб У.М. тайинлансин”, 6-бандида “хавfli зонани ҳимоя қилиш учун Хужжат имзоланган: Х.О.Р., 24.03.2023 1-1506-2301/58 3 жавобгар этиб У.М. тайинлансин”, 10-бандида “оммавий портлаш ишлари оммавий портлаш лойиҳасига қатъий мувофиқ равишда ва портлаш ишларида ягона хавфсизлик қоидаларига ва бошқа норматив ҳужжатларга асосан амалга оширилиши керак”, 11-бандида “мазкур қоидаларнинг бажарилишини назорат қилиш портлатиш ишлари раҳбари У.М.га юклатилсин” деб кўрсатилган талабларини қўпол равишда бузиб, ўзига юклатилган вазифаларни лозим даражада бажармасдан, хавфсизлик қоидаларига амал қилмасдан, портлатувчи Ш.М. ва стажёр портлатувчи Ф.К.ларни фармойиш асосида “портлатувчи” этиб тайинланган Б.С. билан бирга хавfli ҳисобланган ҳудудда қолишига йўл қўйиб, уларни портлатиш лойиҳаси паспорти бўйича “хавфсиз” деб белгиланган 450 метр масофага чиқариш чораларини кўрмасдан, портлатиш ишларига рухсат бериб бошқа оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлган, сўнгра портлатувчи Б.С. портлатиш ҳудуди чегарасидаги иккита қияликдан ўтиб, портлаш жойидан 60 метр узокликда табиий ҳосил бўлган жарликка бориб, ўша ерда туриб портлатиш тугмасини босган, ҳосил бўлган мазкур портлаш натижасида тоғ жинсларига сейсмик тўлқин урилиши юз бериб, жарликдаги поғонани бўртиқ ва осилиб қолган тоғ жинслари катта ҳажмда ҳар-хил бўлақларда борт массивидан ажралиб пастга қулаб,

порлатувчи Б.С., у билан бирга бўлган Ш.М., Ф.К.ларни тоғ жинслари билан бирга тоғдан пастга олиб тушиб кетган ва оқибатда Б.С., Ш.М. ва Ф.К.лар “оғир” даражадаги тан жароҳатлари олиб, ҳодиса жойида вафот этгани аниқланган”. [11]

Ушбу мисолдан кўриниб турибдики, портлатиш ишларини амалга оширган ходимлар белгиланган узоқлик, яъни 450 метр эмас, балки 60 метр узоқликда туриб тоғ-кон ишлари учун портлатиш ишларини олиб борганлиги, бунда улар портлатиш ишлари қоидаларига риоя этмаганлиги учун шундай оқибат келиб чиққан.

Қурилиш ишларини олиб боришда хавфсизлик қоидаларини жиноий равишда бузиш жиноятида одатда қурилиш ишларини бажараётган ишчилар, қурилиш майдонида бўлган бошқа шахслар, қурилиш майдони атрофида бўлган шахслар жабрланувчилар бўлади.

Жиноятнинг жабрланувчилари сифатида шунингдек, зарар кўрган юридик шахслар, давлат ҳам бўлиши мумкин.

И.А.Кучеркова ва В.Н.Махованинг тадқиқотларига кўра, “Жисмоний шахслар орасида эркаклар қурбонларнинг 88 фоизини ташкил этди, бу қурилиш ишлари оғир жисмоний меҳнат билан боғлиқлиги ва уларни бажариш жараёнида кўп ҳолларда фақат эркаклар иштирок этиши билан боғлиқ.

Жабрланганларнинг аксарияти (93 %) ушбу жиноятлар содир этилган қурилиш ташкилотлари ходимлари, 8% қурилиш ташкилотининг мансабдор шахслари ва 85% қурилиш ташкилотининг ишчиларидир.

Жабрланган жисмоний шахслар сонининг қолган 7 фоизи ушбу қурилиш ташкилотига бегона бўлган шахслардир”. [8]

М.А.Григорьева тадқиқоти натижаларига кўра, “қурилиш ишлари пайтида хавфсизлик қоидалари бузилган ҳолларда қурилиш ташкилотининг қурбонлари - ходимлари кўп ҳолларда касбий тайёргарликнинг етарли эмаслиги ёки унинг тўлиқ йўқлиги (машғулотсиз, стажировкасиз, кўрсатмасиз ва бошқалар) билан ажралиб туради; ақлий ва жисмоний хусусиятлар туфайли бу ишни бажаришга яроқсизлиги (касаллик, мастлик, чарчоқ); тайинланган ишга инсофсиз муносабат (иш режими, меҳнат интизомининг бузилиши); тажрибасизлик; ишда номақбул усуллардан фойдаланиш; хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслик, бепарволик; худди шу касбда узоқ вақт ишлаш туфайли эҳтиёткорликни йўқотиш. Бу борада жабрланганларнинг таълим даражаси шундан далолат берадики 78,4% шахслар ўрта махсус маълумотга эга; 19% тўлиқ бўлмаган ўрта маълумотга эга, маълумотга эга бўлмаган ва олий маълумотлилар 1,3% ни ташкил этган.

Қурилиш ишларини олиб боришда хавфсизлик қоидаларини бузиш натижасида жабрланганлар орасида: монтажчилар – 24,5%; усталар - 22%; дурадгорлар - 9,8%; чилангарлар ва пайвандчилар - ҳар бири 7,3%дан; ғишт терувчилар, усталар ва том ёпиш усталари - ҳар бири 4,9%дан; монтажчилар, бўёқчилар, бетончилар, сувоқчилар - ҳар бири 2,4%дан бўлган”. [12]

К.А.Бакишев жабрланувчи хатти-ҳаракатларининг қуйидаги турларини ажратиб кўрсатади:

“1. обструктив (жабрланувчи ўзига боғлиқ бўлган зарур чораларни кўрган бўлади);

2. нейтрал (жабрланувчининг жиноятчининг хатти-ҳаракатига ва ҳар қандай қандай зарар етказишига таъсир қилмайган ҳолати);

3. ҳисса қўшувчи (жабрланувчи шахснинг муайян вазиятни танқидий идрок этишини камайтирадиган ҳаракатлар, масалан алкоғолизм, гиёҳвандлик ёки бошқача мастлик ва ноқонуний хатти-ҳаракатлар масалан, хавфсизлик қоидаларини очиқдан-очиқ менсимаслик) содир этиш орқали жиноят содир этишнинг объектив имкониятини яратади)”. [13]

Юқоридагиларни умумлаштириб хулоса қилиш мумкинки, қурилиш ишлари пайтида хавфсизлик қоидалари бузилган ҳоллардаги жабрланувчи шахсиятининг криминалистик аҳамиятга эга хусусиятларига қуйидагилар киради:

демографик характердаги хусусиятлари: шахси ҳақидаги маълумотлар, яшаш жойи, ёши, таълим даражаси, оилавий ҳолати;

шахснинг физиологик хусусиятларига оид маълумотлар: - бахтсиз ҳодиса вақтида саломатлик ва руҳиятининг ҳолати, ногиронликнинг мавжудлиги, муайян турдаги ишларни бажариш учун тиббий жиҳатдан қарши кўрсатмаларнинг мавжудлиги, мастлиги;

касбий тайёргарлик даражасига оид маълумотлар: иш жойи, эгаллаб турган лавозими, ушбу ташкилот билан меҳнат муносабатларининг мавжудлиги, мутахассислиги, иш малакаси, унинг бажарилган ишнинг табиати ва мураккаблигига мувофиқлиги; мутахассислик бўйича умумий иш тажрибаси, қурилиш ишларини олиб боришда хавфсизлик қоидалари талабларига мувофиқлиги (номувофиқлиги) факти;

жабрланувчининг шикастланишидан (ўлимидан) олдинги ҳолатлар ҳақида маълумот: жабрланувчи хавфсиз қурилиш ишлари соҳасида ўқитилганми, жабрланувчини ушбу ишларни бажариш учун махсус йўналтирилганми, ушбу ишларни бажариш жабрланувчининг мажбуриятлари доирасига кирганми, жабрланувчининг жароҳат олдидан қилган ҳаракатлари технологик талабларга ва қурилиш ишларини бажаришда хавфсизлик қоидаларига мос келадими ёки йўқми;

жабрланувчининг соғлиғига (ўлимига) зарар етказиш билан боғлиқ ҳолатлар тўғрисидаги маълумотлар: қурилиш ишларининг қайси турини амалга оширишда, қайси босқичда ва қайси технологик операцияни бажаришда унга зарар етказилган, жабрланувчи қандай материаллар, механизмлар, ускуналар, асбоблардан фойдаланган, ишларни бажаришда жамоавий ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланганми, у улардан фойдаланганми, иш қачон бошланиши керак эди, у қачон ва қандай метеорологик шароитларда амалга оширилди, жабрланувчи яқка ўзи ёки гуруҳда ишлаганми.

#### Иктибослар/Сноски/References:

1. Ахмедшин Р.Л. Криминалистическая характеристика личности преступника: дис... докт. юрид. наук. Томск, 2006. 413 с.; Тазин И.И. Криминалистическая характеристика мотивационно-смысловой сферы личности преступника: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. Томск, 2006. 23 с. (Akhmedshin R.L. Forensic Characteristics of the Personality of the Criminal: Doctor of Law Dissertation. Tomsk, 2006. 413 pages. Tazin I.I. Forensic Characteristics of the Motivational and Semantic Sphere of the Criminal's Personality: Abstract of the Candidate of Law Dissertation. Tomsk, 2006. 23 pages.)
2. Рарог А.И. Субъективная сторона и квалификация преступлений. М., 2001. 134 с. (Rarog A.I. The Subjective Aspect and Qualification of Crimes. Moscow, 2001. 134 pages.)
3. Яблоков Н.П. Криминалистика: учебное пособие для вузов. Изд. 3-е, перераб. и доп. М., 2005. С.64. (Yablokov N.P. Forensics: Textbook for Universities. 3rd ed., revised and supplemented. Moscow, 2005. p. 64.)
4. 4.Аверьянова Т.В., Белкин Р.С., Корухов Ю.Г., Россинская Е.Р. Криминалистика: учебник // 3-е изд., перераб. и доп. М., 2010. (Averianova T.V., Belkin R.S., Korukhov Yu.G., Rossinskaya E.R. Forensics: Textbook. 3rd ed., revised and supplemented. Moscow, 2010.)
5. Аповевич В.Н. Особенности первоначального этапа расследования преступных нарушений правил безопасности в строительстве: дис.... канд. юрид. наук. Иркутск, 2009. С. 57. (Aporevich V.N. Features of the Initial Stage of Investigating Criminal Violations of Safety Rules in Construction: Candidate of Law Dissertation. Irkutsk, 2009. p. 57.)
6. Стаценко А.Г. Преступные посягательства в сфере труда: криминалистические и уголовно-правовые проблемы. Владивосток, 2001. С. 135. (Statsenko A.G. Criminal Encroachments in the Sphere of Labor: Forensic and Criminal Law Issues. Vladivostok, 2001. p. 135.)
7. 7.Коровин Н. К. Криминалистическая тактика: учебное пособие / Н. К. Коровин. - Новосибирск: Изд-во НГТУ, 2014. (Korovin N.K. Forensic Tactics: Study Guide / N.K. Korovin. - Novosibirsk: NSTU Publishing House, 2014.)
8. 8.Кучерков И.А., Махов В.Н. Расследование преступных нарушений правил безопасности в строительстве: научно-практическое пособие. М.: Изд-во «Юрлитинформ», 2005. С. 11.

(Kucherkov I.A., Makhov V.N. Investigation of Criminal Violations of Safety Rules in Construction: Scientific and Practical Guide. Moscow: Yurlitinform Publishing House, 2005. p. 11.)

**9.** Эмирова И.Е. Разграничение преступных нарушений правил охраны труда со смежными составами // «Российское право в Интернете». 2003. № 1. (Электронный ресурс: <http://www.rpi.rnsal.ru/prints/200301ugol2.html>). (Emirova I.E. Distinguishing Criminal Violations of Labor Protection Rules from Related Offenses // "Russian Law on the Internet". 2003. No. 1. (Electronic resource: <http://www.rpi.rnsal.ru/prints/200301ugol2.html>.)

**10.** Бутырин А.Ю. Судебная строительно-техническая экспертиза в расследовании несчастных случаев и аварий. М.: ГУ РФЦСЭ, 2003. С. 29. (Butyrin A.Yu. Forensic Construction and Technical Expertise in the Investigation of Accidents and Disasters. Moscow: GU RFCCE, 2003. p. 29.)

**11.** Жиноят ишлари бўйича Бешариқ туман судининг 2023 йил 28 февралдаги 1-1506-2301/58-сонли жиноят ишин бўйтча ҳукми. <https://public.sud.uz/report> (Verdict of the Beshariq District Criminal Court in Criminal Case No. 1-1506-2301/58 dated February 28, 2023. Available at: <https://public.sud.uz/report>.)

**12.** Григорьева М.А. Методика расследования нарушения правил безопасности при ведении строительных работ. дисс. на соис... кандидата юрид. наук. Псков. 2011. С. 56-58. (Grigorieva M.A. Methodology for Investigating Violations of Safety Rules in Construction Work: Candidate of Legal Sciences Dissertation. Pskov, 2011. pp. 56-58.)

**13.** Бакишев К.А. Роль потерпевшего в механизме неосторожного преступно1 о поведения // Десять лет действия Уголовного кодекса Российской Федерации: опыт применения и перспективы совершенствования: материалы международной научно-практической конференции (28 февраля 2007 г.). Омск, 2008. С. 44-45. (Bakishev K.A. The Role of the Victim in the Mechanism of Negligent Criminal Behavior // Ten Years of the Russian Federation Criminal Code: Application Experience and Improvement Prospects: Materials of the International Scientific and Practical Conference (February 28, 2007). Omsk, 2008. pp. 44-45.)



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

9 ЖИЛД, 12 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 9, НОМЕР 12

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 9, ISSUE 12

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,

Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)

ООО Тадқиқот город Ташкент,

улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000